

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

АМАНУЛЛАЕВА КАМОЛА МУМИНОВНА

**БАДИИЙ АСАР КОНЦЕПТОСФЕРАСИ ВА АСОСИЙ
КОНЦЕПТЛАРНИНГ ТАРЖИМАДА ҚАЙТА ЯРАТИЛИШИ
(Харуки Мураками асарлари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Амануллаева Камола Муминовна

Бадий асар концептосфераси ва асосий концептларнинг таржимада қайта
яратилиши (Харуки Мураками асарлари мисолида) 3

Амануллаева Камола Муминовна

Концептосфера художественного произведения и средства репрезентации
базовых концептов в переводе (на материале произведений Харуки
Мураками) 29

Amanullaeva Kamola Muminovna

The conceptosphere of literary work and means of representation of basic concepts
in translation (on the material of Haruki Murakami's works) 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

АМАНУЛЛАЕВА КАМОЛА МУМИНОВНА

**БАДИИЙ АСАР КОНЦЕПТОСФЕРАСИ ВА АСОСИЙ
КОНЦЕПТЛАРНИНГ ТАРЖИМАДА ҚАЙТА ЯРАТИЛИШИ
(Харуки Мураками асарлари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Fil287 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.samdchti.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сафаров Шаҳриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Холбеков Муҳаммаджон Нурқосимович
филология фанлари доктори, профессор

Халмурзаева Надира Ташмурзаевна
(PhD) доцент

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти хузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «12» август соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz.

Диссертация билан Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2020 йил «29» июль кунини тарқатилди.
(2020 йил «29» июль даги № 3 рақамли реестр баённомаси).



И.М. Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, доцент

А.А. Яхшиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

Н.Қ. Турниёзов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замоनावий филологияга оид фанлар доирасида содир этилаётган ўзгаришлар нафақат бадиий асарнинг мазмуний томонларининг таҳлил жараёни, балки матн таҳлилига бўлган ёндашувларни ҳам қамраб олмакда. У ёки бу маданиятга тегишли бадиий асарларни тадқиқ қилишда миллий маданият, тарих, урф-одат ва қадриятларнинг ўзига хослигига асосий эътибор қаратилади. Айнан мана шу ҳодисалар маълум муаллиф бадиий тафаккурининг когнитив таркиби намойиши манбаси бўлиб хизмат қилувчи миллий концептосферанинг асосини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам бадиий нутқни когнитив ва концептуал ёндашувда таҳлил ва талқин қилишнинг янги методологик системасини шакллантирувчи тадқиқот йўналишлари долзарб ва истиқболли бўлиб бормоқда.

Ҳозирги кунда бадиий матн тадқиқидаги замоनावий ва долзарб йўналишлар сифатида, когнитология, лингвомаданиятшунослик, оламнинг лисоний ва бадиий манзараси ҳамда маданиятлараро мулоқотни ўрганиш майдонга чиқмоқда. Хусусан, ёзувчининг ижодий фаолиятида миллий менталитетни мужассам этувчи таржиманинг синергетик масалалари, асарнинг мазмун шаклланиш жараёнида когнитив таркибнинг роли, муаллифнинг шахсий концептосферасини тасвирловчи илмий-методологик асосни ишлаб чиқиш масалалари ва уларнинг миллий концептосферага бўлган муносабатини ўрганишга эътибор қаратилмоқда.

XXI аср Ўзбекистони барча мамлакатлар билан маданий муносабатларни ўрнатишга интилаётган ҳар томонлама очик республикадир. Чет тиллари ва чет эл адабиётини ўрганиш халқаро алоқаларни кенгайтириш ва ўзбек маданий моделини бошқа мамлакатларга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти адабиётни ўқитиш баркамол ва интеллектуал шаклланган авлодни тарбиялашда асосий маънавий-ахлоқий омил эканлигини таъкидларкан, “Биз келажак авлод учун муносиб таълим беришимиз, билим ва фанга бўлган қизиқишини рағбатлантиришимиз керак” деган фикрни билдиради¹. Шунинг учун жамиятнинг замоनावий тараққиёт босқичида, маданиятлараро алмашинув бошқача қилиб айтганда, “ўзаро киришиш” ҳамоҳанг тараққиётнинг шарти бўлиб ҳисобланади. Япония Ўзбекистон учун бадиий матн орқали ҳам англаш мумкин бўлган бетакрор миллий концептосфераси туфайли тамомила ўзга, бироз тесқари оламдир. Япон ёзувчиларининг ижодини ўрганиш гуманитар таълимнинг умумий вазифаси, ёшларда креатив кўникмани шакллантириш, япон адабиётини “маънолар когницияси” нуқтаи назаридан, яъни маъноларни англашни назарий ва амалий ўзлаштириш бугуннинг долзарб масалаларидан бири. Гуманитар таълимнинг энг муҳим вазифалари

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi 28.12.2018y. <http://xs.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>

қаторига филология фанининг сўнги ютуқларидан хабардор бўлган таржимонларнинг янги авлодини тарбиялаш киради.

Мазкур диссертацион тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20-апрелдаги ПҚ – 2909 сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 5-июндаги ПҚ–3775 сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда 2019 йил 8-октябрдаги ПФ–5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бадиий концепт таркиби ва типологиясига таалукли масалаларни бир қатор тадқиқотчилар² ўрганишган. Шунингдек, А.П.Чехова, В.С.Высоцкий, Р.Рильке ижодларидаги “қалб” ва “юррак” концептлари баъзи тадқиқотчилар (Закурдаева, Пименова, Ерофеева, Миллер) томонидан таҳлил қилинган³. Ушбу концептларнинг рус, немис ва бошқа тиллардаги матнлар асосида ўрганилиши тадқиқотнинг методологик асосини белгилашда аҳамиятлидир. Ҳозирги пайтда таржимашунос тадқиқотчилар таржима матнини аслият билан қиёслаб ўрганишнинг синергетик стратегиясини асослаётиб, бунда концептосферанинг когнитив – дискурсив таҳлилининг аҳамиятини алоҳида қайд этмоқдалар⁴. Харуки Мураками романларидаги бадиий концептлар шахсан муаллифга хос, миллий семантик ва аксиологик жиҳатдан муаллиф модаллиги акс этган ва ёрқин

² Ashurova D.U, Galiyeva M.R. Cognitive linguistics. –Т. Vneshinvestprom, 2018. -160 p.; Воркачев, С.Г. Концепт счастья в русском языковом сознании: опыт лингвокультурологического анализа [Текст]– Изд-во: КубГТУ. Краснодар, 2002. – 142 с; Джусупов Н.М. Лингвокогнитивный аспект исследования символа в художественном тексте. Автореф.дисс. ...канд. филол. наук, -Т., 2006. -С.29; Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. -Волгоград: Перемена, 2002. -282 с; Рудакова А.В. Когнитология и когнитивная лингвистика. -Воронеж, 2004. - 192 с.

³ Закурдаева Н.В. Концептосфера поэзии В.С. Высоцкого: аксиологические и экзистенциальные концепты. //Автореф. дис...канд.филол.наук.- Орел, 2003. - 28 с.; Пименова М.В. Душа и дух: особенности концептуализации.- Кемерово: ИПК "Графика",- 2004.-386 с; Миллер Л. В. Лингвокогнитивные механизмы формирования художественной картины мира (на материале русской литературы): дисс. ... д-ра филол. наук. СПб., 2004. - 303 с.

⁴ Сафаров Ш.С. Таржимашуносликнинг когнитив асослари. – Т.: Наврўз, 2019. – 299 с.

ифодага эга. Шунинг учун ҳам романнинг концептуал таҳлилидаги асосий масалаларни ҳал қилишда бадиий матндаги “микромоделни”⁵ бадиий концепт сифатида таҳлил қилиш талаб қилинади. Таъкидлаш жоизки, санаб ўтилган ишлар мазкур диссертация тадқиқида муҳим ҳисобланган асосий масалаларга қисман тегишлидир⁶. Бундан ташқари, бадиий таржима жараёнида маданий концептларнинг қайта яратилиши муаммосини мукамал ўрганишга зарурат туғилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Матн шаклланишининг прагматик ва лингвокогнитив аспекти” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади япон миллий концептосфераси алоҳида қисмларининг лисоний воқеланиш усуллари ва уларнинг рус тилига таржимасини кўриб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бадиий концепт ва унинг ташкил этувчиларини когнитив поэтика, адабиётшунослик нуқтаи назаридан тасвирлаш ва “бадиий концепт” тушунчасини адабиётнинг “микромодели” сифатида белгилаш;

Харуки Муракамини япон адабиётининг ёрқин намоёнчаси сифатида ўрганиб, унинг ижодидаги аксиологик ва семантик аҳамиятга эга бўлган асосий концептларни аниқлаш;

миллий хусусиятли концептларнинг бадиий концептларга трансформациясини таҳлил қилиш;

концептнинг устувор маъноси ёки унинг бадиий асар когнитив структураси таркибидаги сегментацияланишини аниқлаш, шунингдек, уларнинг концептуал майдонда ўзаро таъсир жараёнини таҳлил қилиш;

аслият ва таржимадаги концептларнинг нутқий ифодада моделлаштирилишини таққослаш;

Тадқиқот объекти сифатида Харуки Мураками романларида япон миллий концептосферасини воқелантирувчи бадиий концептлар танланди.

Тадқиқот предмети ёзувчи бадиий онгидаги баҳо доминантлари ва уларнинг таржимадаги ифодасини акс эттирувчи, ҳамда концептосферани ҳосил қиладиган бадиий концептлар ва когнитив тузилмалар мажмуидан иборатдир.

Тадқиқот методлари. Режалаштирилган муаммолар тадқиқида когнитив-концептуал таҳлил тамойиллари, интертекстуал таҳлил, тасвирий метод ва бадиий-аналитик методларнинг алоҳида усулларидан фойдаланилди.

⁵Chikako Nihei. The Productivity of a Space In-between: Murakami Harukias a Translator// Japanese Studies, 2016. -123 p; Matthew Strecher. The forbidden worlds of Haruki Murakami. University of Minnesota Press, 2014-296 p.

⁶Ҳозирги пайтда Харуки Мураками ижоди ўзбекистонлик мутахассислар эътиборини ҳам тортмоқда: Холбеков М. XX аср жаҳон адабиёти манзаралари. Т.: Мумтоз сўз, 2020.; Отабоев А. Муракамининг ғаройиб матни. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2009 йил 4-сон.; Даврон Х. Нобел мукофоти ва Мураками ҳақида. <https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/alisher-otaboyev-murakami.html>

Когнитив-герменевтик метод концепт мазмунининг рус тили таржимасига мос келишини аниқлашда асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

миллий-маданий концептларнинг ўзига хос хусусиятлари (“бўшлиқ”, “соя”) ва уларнинг адабий асардаги бадиий концептларга трансформацияси аниқланган;

“ёлғизлик”, “кокоро”, “синсин” каби бадиий концептларнинг ифодаланиши ва лисоний воқеланиши белгиланган ҳамда таржима жараёнида уларнинг когнитив таркиби қайта ҳосил бўлишини таъминловчи усуллар шакллантирилган;

замонавий адабиётшунослик терминологиси таркибига “концепт” тушунчасининг киритилиши бадиий асарни коммуникатив тизим сифатида намоёиш этишининг янги имкониятларини очиб бериши далилланган;

матнни концептуал таҳлил қилишнинг истиқболли йўналишлари аниқланиб, уларнинг ҳар бири бадиий концептни ўзига хос хусусиятларини маълум қиёфада акс эттириши исботланган;

индивидуал-муаллиф концептосферасида етакчилик қиладиган асосий концептлар миллий концептосферанинг алоҳида қисмларини намоёиш этиши исботланган;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:

тадқиқот натижалари нафақат филология фанлари учун, балки бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар учун ҳам аҳамиятлидир;

ишлаб чиқилган концептуал таҳлил методи унверсал характерга эга бўлиб, бошқа ёзувчиларнинг индивидуал-муаллифлик концептосферасини ташкил қиладиган бадиий концептларни ўрганиш жараёнида қўлланиши мумкин;

ишда концептларнинг етакчи аҳамиятга эга бўлган ва у ёки бу асардаги концептуал таркибни белгиловчи маънолари аниқланган ва бу каби таҳлил натижалари концептуал майдон чегараларини белгилаш учун муҳимдир;

тадқиқот натижаларидан “Таржимашунослик” факультети талабалари методик ва аналитик материал сифатида фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий филология фанларида қўлланадиган ёндашувлар ва усуллар, бадиий когнитологиянинг муҳим илмий-назарий тамойилларига асосланганлиги ва таҳлил қилинган материалларнинг кўлами катталиги билан таъминланган. Назарий ва амалий натижалар нашр этилган ишларда ўз ифодасини топган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий аҳамияти тадқиқот натижаларининг мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланаётган когнитив адабиётшуносликнинг ривожланишига ҳисса қўшиши билан белгиланади. Ишдаги фанлараро ёндашув бадиий асарни кенг доирада, муаллифнинг лингвомаданий компетенциясини эътиборга олган ҳолда бадиий асарни кенг доирада ўрганиш мақсадга

мувофиқлигини кўрсатади. Таржима амалиёти, концептларнинг дискурсив таҳлили соҳаларидаги таҳлил натижалари таржима жараёнини герменевтик англаш заруратини белгилайди.

Ишда келтирилган тадқиқ материаллари ва эришилган хулосалар миллатлараро бадиий-маданий алоқалар соҳаси бўйича мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Улар магистрлик диссертацияларини ёзишда, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда ва шунингдек, япон адабиётига оид назарий ва амалий машғулотлар материалларини бойитиш учун хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадиий матн маконида ишлаб чиқилган миллий – маданий концептларни аниқлаш ва уларнинг бадиий концептга ўтиш воситалари таҳлили ҳамда вербаллашуви усуллари таснифи тамойилларига асосланиш орқали, шунингдек, таржима жараёнида бадиий концептларни қайта яратишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишда олинган натижалар асосида:

инсон ҳаёти воқелигида муҳим аҳамият касб этадиган ёлғизлик ва бўшлиқ концептлари шахс эмоционал ҳолати асосида шаклланадиган деривацион назария иш усулларида татбиқи бўйича олинган хулосалар ОТ–Ф8–062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” номли фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июлдаги 89-03-2567 сон маълумотномаси). Натижада нутқий тузилманинг шаклланишига этноцентриқ нуқтаи назар билан қараш янгича ёндашув бўлиб, семантик, прагматик жиҳатдан матн деривацияси муаммоларини тадқиқ этиш тамойилларини янада бойитиш учун хизмат қилган;

мулоқот мақсадининг ифодаланишига нутқ субъектларининг миллий-маданий хусусиятлари таъсири борасида олинган натижалардан И-204-4-5 рақамли “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июлдаги 89-03-2567 сон маълумотномаси). Инновацион тадқиқот лойиҳаси асосида ўқитувчиларнинг лингвистик ва коммуникативлик қобилиятини ошириш, таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш мақсадида яратилган услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда янги ёндашувлар сифатида мазкур тадқиқот ишидаги таҳлил натижаларидан фойдаланилди;

Бадиий асар концептосфераси ва асосий концептларнинг таржимада қайта яратилишида япон миллий дунёқараш ва инсон туйғуларини ифодаловчи қалб (юрак), бўшлиқ, ёлғизлик каби қатор концептлар таҳлил этиш бўйича хулосалар “5120100-Филология ва тилларни ўқитиш”, “5111400-Хорижий тил ва адабиёти”, “5120200-Таржима назарияси ва амалиёти” бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда “5A120201-Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик” магистратура

мутахассисликларининг малака талабларига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июлдаги 89-03-2567 сон маълумотномаси). Тадқиқотда таҳлил этилган лексемалардан, хусусан, ёлғизлик концептига хос лексик-семантик-ментал хусусиятлари таҳлил натижалари бўйича хулосалар татбиқи “Синхрон таржима”, “Қиёсий таржимашунослик”, “Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти”, “Лингвистик таҳлил методлари” каби фанларни ўқитишнинг сифати ва самарадорлиги, талабаларнинг ушбу фанлар бўйича билимларининг ошиши ва ўқув материалларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Олиб борилган илмий тадқиқот ишининг натижалари «кокоро» - «синсин», «ёлғизлик», «кокоро» - «бўшлик» кўпқиррали бадиий концептларига асосланувчи Харуки Мураками ижодини чуқурроқ ўрганиш имконини берди. Диссертация ишининг натижалари Япониянинг Акита префектураси Кокуногате туманида жойлашган Аоягике Самурайлар музейида экскурсия учун нутқ тузишда қўлланилган (Япониянинг Акита префектураси Кокуногате туманида жойлашган Аоягике Самурайлар музейидан 2020 йил 22-июнда олинган маълумотномаси). Миллий тилда яратилган ҳар қандай бадиий асар унинг концептуал майдонининг таҳлили унинг концептуал майдонини бойитади ва кенгайтиради, бу ҳолат ғарб маданиятига содиқлигини сақлаб қолувчи Харуки Мураками ижодида ҳам ўз ифодасини топади.

Бадиий матн маконида ишлаб чиқилган миллий – маданий концептларни аниқлаш ва уларнинг бадиий концептга ўтиш воситалари таҳлили ҳамда вербаллашуви усуллари бўйича олинган хулосалар асосида Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси “Самарқанд садоси” эшиттиришинг 2020 йил 15-январдаги сони сценарийсига киритилган ҳамда уни тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 4-июндаги 09-01/205-сон маълумотномаси). Натижалар тингловчиларда миллий – маданий концептларни аниқлаш ва уларнинг бадиий концептга ўтиш воситалари таҳлилинини англашга ва эшиттириш мазмунини бойитишга хизмат қилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий мақола ва тезис нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида эълон қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, боблар бўйича хулосалар, ишнинг хулосаси, фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, ишнинг тузилиши буйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бадий матн концептосфераси ва миллий концептосфера”**, деб номланиб, у концепт ва концептосфера ҳодисаларини ўрганишга бағишланган. Замоनावий тадқиқотларда концептнинг тафаккур асоси экани, унинг вербал мулоқот пойдеворини ташкил қилиши ўрганилган. Тадқиқотларда концептосфера ва уни ташкил этувчи концептлар тартибли таркибга эгаллиги қайд этилади⁷. В.В. Красных концептосферани ўрганиш жараёнида “когнитив макон” атамасини қўллайди ҳамда “индивидуал когнитив макон” тушунчаси “ҳар бир тил соҳиби, ҳар қандай сўзловчи ҳамда жамоавий когнитив маконга тегишли бўлган билим ва тасаввурлар мажмуасини маълум маънода таркиблаштириш, шунингдек, у ёки бу социумга тегишли бўлган барча шахслар эга бўлиши мумкин бўлган билим ва тасаввурларни таркиблаштириш” эканини тавсифлайди.⁸

Концептосфера тушунчаси маълум халққа оид концептларнинг тартибли мажмуаси ҳисобланади. Ҳар бир халқ концептосферасида миллий менталитетнинг асосини ташкил этувчи ва ёрқин миллий ўзига хосликка эга бўлган маълум концептлар мажмуаси акс этади. Одатда, бу каби концептларни бошқа тилда ифодалаш мураккаб ва ҳатто имконсиз ҳисобланади. Маълумки, миллий концептосферада миллий менталитет, миллатнинг фан ва маданияти умумий кўринишда акс этади. Тил эса маданий концептосферанинг ажралмас бўлаги саналади.

Япон миллий концептосфераси ўзига хос бўлиб, унинг маданий анъаналари, эстетик қадриятлари замоनावий адабиётнинг бадий матнларида ҳалигача сезилиб туради. Япон миллий концептосфераси ўрта аср эстетик анъаналарига асосланган бой, нафис ва назокатли ҳодисадир. Лингвомаданиятшунослик соҳасидаги ҳар қандай тадқиқот “саби”, “ваби”, “кокоро”, “бўшлиқ”, “соя” ва “ёлғизлик” каби мураккаб тушунчаларнинг муҳимлигини кўрсатади. Япон маданияти ва эстетикасида инсон ички дунёсининг универсал эмоционал концептлари муҳим ўринга эга.

⁷Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка //Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология. Под ред. проф. В.П.Нерознака.-М.:Наука, 1997.- С. 285.

⁸Красных В.В. Понятие концептосферы.- М.: Изд-во МГУ, 2003.- С 61.

Харуки Мураками ижоди “кокоро” –“синсин”, “ёлғизлик”, “кокоро” – “бўшлик” каби ажралмас боғлиқликка эга бўлган хилма-хил бадий концептларга асосланади. Ривожланган миллий тилда яратилган ҳар қандай бадий асар унинг концептуал майдонини бойитади ва кенгайтиради. Бу ҳолат ғарб маданиятига содиқлигини сақлаб қолувчи Харуки Мураками ижодида ҳам ўз ифодасини топади. Маълумки, шахсий – муаллифлик концептуал олам манзараси⁹ёзувчининг индивидуал услубий хусусиятлари орқали ёритиладиган шахсий муаллифлик концептуал манзараси мажмуасини ифодалайди. Шундай бўлса-да, шахсий концептуал манзара икки сатҳда шаклланади, булар: концептуал ва индивидуал нутқ сатҳларидир. Бу икки сатҳнинг етакчиси сифатида концептуал сатҳ ўртага чиқади. Чунки оламнинг поэтик манзарасидаги ўзига хосликни ёлғиз тил шакллари тўла ифодалаб бера олмайди.

Ҳар қандай романдаги “матн концептосфераси”ни ўрганиш тадқиқ этилаётган асардаги таҳлил майдонининг тўлдирилиши, концептларнинг динамик тараққиётини кўриш, улардан бирортасининг дискурсдаги устунлигини белгилаш, концептнинг когнитив қатламини таҳлил этиш, баҳолавчи компонентни аниқлаш имкониятини яратади. Ш.С. Сафаров дискурсда шахс омилини ўрганишнинг муҳимлиги борасида фикр юритади: “Прагмалингвистиканинг шахс омилини ўрганишга қаратилиши ўз вақтида амалга оширилган ҳаракат бўлиб: шахснинг когнитив тармоқдаги ўзаро муносабатларда ва дискурсив фаолиятида, дискурсни мавҳум бўлмаган лисоний-когнитив фаолият маҳсули сифатида баҳолаш, яъни аниқ индвидум фаолияти маҳсули сифатида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир”¹⁰.

Харуки Мураками романлари концептосфераси миллий ва индивидуал аҳамиятга эга бўлган асосий концептлардан ташкил топади: (ёлғизлик-бўшлик-синсин-кокоро). Маълумки, оламнинг бадий қиёфаси – иккиламчи, воситали қиёфадир. У икки воситага: тил ва оламнинг шахсий муаллифлик концептуал манзарасига таянади¹¹. Шунингдек, ҳар қандай бадий асар шахсий муаллифлик усулида оламни идрок этиш, яъни оламни концептуаллаштиришнинг хусусий варианты ва, ўз навбатида, олам тузилишидаги универсал қонуниятлар таъсиридаги таркибдан келиб чиқади.

Харуки Муракаманинг умумий концептосферасида контур харитаси сифатида намоиш этиш мумкин бўлган бадий концептлар тизими [узвийлиги] юзага келади. Бадий концепт семантикасини белгилашда мажозий метафора бирликлари ёки прецедент боғлама шаклидаги ассоциатив компонентлар муҳим ўрин тутаяди. Шунинг учун ҳам ҳар бир роман таҳлилида барча бадий концептларнинг вазифаларини эътибордан қочирмаган ҳолда етакчи концептларни ажратиб олиш таҳлилнинг

⁹Алефиренко Н.Ф, Проблема вербализации концепта: Теоретическое исследование. - Волгоград: Перемена, 2003. - С 95.

¹⁰Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б 139.

¹¹Попова З.Д., Стернин И.А. Очерки по когнитивной лингвистике. -Воронеж: ВГУ, 2002. - С 8.

маҳсулдорлигини белгилайди, чунки бу каби “занжирлар” образли коммуникатив тизимни юзага келтиради. Бу эса “кокоро” ва “синсин” концептлари япон маданиятида анъанавий жиҳатдан муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Мазмун бир хил бўлмаслиги сабабли, Харуки Мураками асарларида ифода воситаларининг рангбаранглиги пайдо бўлади. Асарлар таркибидаги новеллаларда ўзлигини йўқотган инсонлар фожиаси (қаҳрамоннинг Манжур кампаниясидаги иштироки ёки ота-боболарнинг иккинчи жаҳон урушидаги ҳаёти) асосларини боғловчи ўтмишга мурожаатида муҳим аҳамиятга эга. Ретроспекция (ўтмишга назар) аниқ концептнинг “тарихи” сифатида қабул қилинади (“Мурувватли куш солномаси” асаридаги лейтенант Мамия характеристикасида “жароҳатланган қалб-ёлғизлик-бўшлиқ” концептларининг аҳамиятини таъкидлаш лозим). Харуки Мураками асарларида концептнинг руҳий таъсирга қаратилган ҳолатлари мавжуд (қаҳрамоннинг ўз жонига қасд қилиш ҳаракати, ақлдан озиши, қаҳрамоннинг тарки дунё қилиши ва шу кабилар). Мазкур ҳолатлар оқибатида “Норвег ўрмони” асарида “жароҳатланган қалб” – “ёлғизлик” – “бўшлиқ” концептлари учлиги юзага келади.

“Ёлғизлик” мотиви микро ва макро сатҳларда ҳикоя қилиш орқали кўчма маънони ташкил этадиган сўзлардан тортиб образли персонаж таркибига сюжет чизиғи орқали олиб ўтилади. Концептуал таркиб ҳар хил вазиятларда “динамиклик ва мазмунни бойитиш имконияти” билан характерланиши сабаб “мотив” мавзуси ҳам кенгайтиши ёки бошқаси билан бирлашиши натижасида шаклан ўзгариши мумкин. Кўплаб тадқиқотчиларнинг ишларида бадий концептларнинг ассоциативлик, образлилик, баъзи ҳолатларда бадий матн образига эквивалентлик каби асосий белгиларига эътибор қаратилади. Юқорида қайд этилган фикрлар матн таҳлилини “когнитив мазмун” нуқтаи назардан амалга оширишнинг самарадор эканлигини тасдиқлайди. Бу борада концептларда миллий компонент мавжудлигини ёки этноконцепт тушунчасини инкор қилиб бўлмайди.

Харуки Мураками яратган образлар миллий концептлардаги “ёлғизлик” тушунчаси мажмуини ижобий қабул қилиш орқали аксиологик қиймат касб этади. Шунинг учун ҳам унинг асарларида мазкур концепт ёзувчининг кучли ижодий эътибори натижасида мазмунан тўлдирилиши орқали шахсий муаллифлик мақомини олишига сабаб бўлган.

Романларнинг бадий мазмунида уларнинг кўпқирралилиги шахсий муаллифлик концептларини бадий концепт даражасига кўтарилишини таъминлайди. Бу, бир томондан, муаллиф тафаккурининг ифодаси, бошқа томондан эса, ўзига ҳос қонуниятга эга тизим маҳсули бўлиб, унга муаллиф таъсир кўрсата олмайди.

Харуки Мураками асарларидаги (“ёлғизлик”, “бўшлиқ”, “кокоро”, “синсин”) асосий концептлари унинг иккинчи давр романлари сюжет

тузилишини бирлаштирувчи хусусият сифатида ва аксиологик устуворлик мезони асосида ажралиб туради.

Ёзувчи “Норвег ўрмони” романида “ёлғизлик” миллий концептининг тўлиқ психофизиологик ва ментал мажмуини ўз шахсий дунёқарашидан келиб чиқиб яратган. Дастлаб концепт ўз таркибига киритилувчи бадий образга айланаётган тушунчаларнинг максимал мазмунини ифодалаш имконини беради. Концепт орқали бадий тафаккур таркибининг энг муҳим элементларини тушунчадан бадий образга томон бирлаштирилади. Шундай қилиб, бадий матн таҳлилин асосий концептларни ташкил қиладиган элементларини ҳар томонлама тадқиқ қилмасдан амалга оширишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам, Харуки Мураками ижодининг иккинчи даврини ундаги асосий концептларни таҳлил қилиш орқали концептуал жиҳатдан ўрганиш мумкин.

“Қирғоқ бўйидаги Кафка” романида “ёлғизлик” концептининг марказий маъноси: оиласизлик, бошқа ўсмирлардан фарқ қилиш, якка ҳаёт кечириш кабилар, очиб берилади.

Харуки Мураками ижодида “синсин” концептига мансуб бўлган “қаҳрамон”нинг портретини батафсил тасвирлаш “Қирғоқ бўйидаги Кафка” романидан бошланади. “Жисмонийлик” фақатгина “ташқи қобиқ” бўлиб қолмасдан, фожиали қарама-қаршиликларга тўла ва бахтли кўриниш ва ички “МЕН” ўртасида тесқари деворга айланади. Шунинг учун ҳам, Кафка катта ёшлилар олдида фаровон ва бадавлат оиладан чиққан ўспирин сифатида пайдо бўлиши тасодиф эмас: 「僕は髪も染めていないし、ピアスもつけていない。清潔なラルフ・ローレンの白のポロシャツをやはりラルフローレンのクリーム色チノパンツをはいて、新しいトップサイダーのスニーカーをはいている。歯は白く、シャンプーと石鹸の匂いがする。警護だってちゃんとつかえる」 [村上春樹,カフカ, 2002, I, p.91-92] «парень с нормальными, некрашеными волосами, никаких серег в ушах. Чистая белая спортивная рубашка от Ральфа Лорана, плотные кремовые шорты той же фирмы, новые теннисные туфли «Топсайдер». Зубы белые, за версту благоухает шампунем и мылом. Разговаривает вежливо» [Мураками, Кафка, 2005, с.78]¹².

Аксиологик “кокоро” ва “синсин” концептлари Харуки Мураками дунёқарашида муҳим ўринга эга. Ёзувчи мазкур тушунчаларга жиддий эътибор қаратади. “Кокоро”- бу ўз ички оламини аниқлашга интиляётган ахлоқли шахсининг ҳаётини моҳиятидир. Фикримизча, Осиманинг сўзлари мазкур роман мағзини ташкил қилади: 「君は自分の身体と心でそれに耐えなくてはならない」 [村上春樹,カフカ, 2002, II, p.216] «Вслушивайся в себя как моллюск» и «Закаляйся душой и телом» [Мураками, Кафка, 2005, с.479], яъни ички “мен” ва ташқи ҳаёт ўртасидаги уйғунликни топиш саналади.

¹² Таҳлил қилинаётган асарлар ўзбек тилига ағдарилмагани сабабли келтириляётган парчалар таржимасини рус тилидаги вариантларида, сақлаб қолишни маъқул кўрдик. Лозим бўлган ҳолларда ўзбекча изоҳлар ҳам берилади.

Мазкур романда анъанавий муомалада бўлган иборалар мавжуд: “ҳеч бир жон йўқ эди”, “чин дилдан севиб” “қалбим тубидан”. Қаҳрамонларнинг “ёлғиз қалби” тавсифи шунга ўхшаш анъанавий бўлади. Маълумки, маълум бир бадий асарнинг эстетик таркиби махсус бадий воқеликни яратади. Бадий концептлар эса “асарнинг таркибини ташкил этувчи элементлар” сифатида қаралади. Романда биринчи сюжет чизиғи билан ёки Наката билан боғлиқ вазиятни фақатгина “коқоро” концепти воситасида тузилган ҳолатларда белгилаш мумкин

1. Мазкур романда юрак сезиларли маконга эга ва у моддий жиҳатдан сезиларли тасвирланган:「僕の心に濃いブルーの字で、入れ墨として書きこむみたいに」 [村上春樹,カフカ, 2002, I, p.8] «Словно темно – синими чернилами наносит татуировку на мое сердце» [Мураками, Кафка, 2005, с.12] или 「という部分が不思議に心に残るんだ」[村上春樹,カフカ, 2002, I, p.182] «слова застревали в сердце как заноза» [Мураками, Кафка, 2005, с.149].

2. Юрак анъанавий физиологик орган сифатида қолади ва унинг уриб туриши қаҳрамонда акс этади: 「心臓の鼓動が激しくなり、なかなかもとに戻らない」 [村上春樹,カフカ, 2002, I, p.75] «Сердце стучало как бешенное и никак не могло остановиться» [Мураками, Кафка, 2005, с.66]. 「心臓のド動怪が速まる」[村上春樹,カフカ, I, p.233] «Сердце билось как в лихорадке» [Мураками, Кафка, 2005, с.188]. 「心臓が乾いた音をたてる」 [村上春樹,カフカ, 2002, I, p.223] «Сердце, словно несмазанный механизм, работало глухими толчками» [Мураками, Кафка, 2005, с.181]. Мистик (ғалати табиатли) жаллод Жонни Уокер “мушук жонидан флейта” яратиш учун мушукларнинг юракларини суғуриб олади.

3. Қалб таққослаш воситасида характерланади: 「君の心は長い雨で増水した大きな河に似ている」 [村上春樹,カフカ, 2002, I, p.16]. «Твоя душа – как разбухшая от долгих дождей большая река» [Мураками, Кафка, 2005, с.19].

4. Қаҳрамонлар руҳи эфемерлик ҳолатида бўшлиққа маҳкум 「夢の中でおこなわれたことに対して君は責任を負わなくてはならない」 [村上春樹,カフカ, 2002, I, p.228] «сон всплыл из темных закоулков твоей души» [Мураками, Кафка, 2005, с.184].

Аввал таъкидланганидек, Харуки Мураками қаҳрамонлари заковатли сўққабашлардир. Уларнинг севимли машғулоти ёлғизликда мусиқа тинглаш ва китоб ўқиш. “Қалб” концепти ёрдамида у ёки бу асарни идрок этишга бўлган имкон яратилади, унинг интеллектуал ва маданий даражаси таъкидланади.

Диссертациянинг “Харуки Мураками ижодида “ёлғизлик” ва “бўшлиқ” бадий концептларининг вазифалари”, деб номланган иккинчи бобида Харуки Мураками асарларида бадий концептлар таҳлили методикаси ишлаб чиқилди. Хусусан, “ёлғизлик” концептининг “Норвег ўрмони” романида ўрганиш объекти сифатида танланиши Харуки Мураками

олами концептуал харитасининг когнитив шаклланиши аҳамияти билан боғлиқ. Биринчидан, ушбу концепт матнда асосий ва энг кўп учровчи саналади. Иккинчидан, “ёлғизлик” бадий концепти мазмун курилиши ва персонажлар системаси доирасида асар мазмунининг асосий белгиси ҳисобланади. Учинчидан, романдаги концептлар асосан қиймат жиҳатидан бир ҳолатдан бошқасига ўтади. Бу оилага, ўзликни англашга, шахсий “мен”ни излаб топишга, ҳаётга ва ўлимга бўлган муносабатнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши – ўзгаришидир.

“Муаллиф концепти - бу муаллиф онгида гавдаланган ёки тасаввур қилинган образ бўлиб, ёзувчи томонидан турмуш лавҳаларини асосий даражага кўтариш орқали концептуаллаштириш натижасида, яъни муаллиф онгида маданий мазмунга эга бўлган қадрият сифатида ва охир оқибат, муаллиф учун шахсан қийматли бўлган ҳодисадир”¹³. “Ёлғизлик” «孤独» концепти асар таркибида турли даражада ривожланади, аммо барча қаҳрамонлар тақдирида муҳим вазифа бажаради. Таъкидлаш жоизки, “Норвег ўрмони” романида “ёлғизлик” концепти икки хил услубий бўёқдорликка эга: ижобий ва салбий.

Ҳикоя қилувчи қаҳрамон Ватанабэ Тору концептуаллашган “персонаж” саналиши мумкин, чунки муаллиф унинг образида “ёлғизлик”ни ташкил қилувчи белгиларнинг барча тасвир воситаларидан фойдаланади. Ватанабэ ёлғизлик тимсоли сифатида акс этади.

1. Ёлғизлик Ватанабэнинг ҳаёт тарзи сифатида: 「会いたい相手がいるわけでもないのだ」 [村上春樹, ノルウェイの森 [上] 2004, p.77] «ни с кем видетсяя не собирался» [Мураками, Норежский лес, 2004, с.54].

2. Ёлғизлик унинг учун қулай турмуш тарзи: 「でも一人暮らしというのはいいものだった」 [村上春樹, ノルウェイの森 [上] 2004, p.104] «на жизнь в одиночестве не сетовал» [Мураками, Норежский лес, 2004, с.70].

3. Жамоада ёлғизликни рамз сифатида акс этирувчи сунъий бўшлиқ яратиш: 「クラスの中での僕の立場はもっと孤立したものになった。。。誰も僕に話しかけなかったし、僕もだれにも話しかけなかった」 [村上春樹, ノルウェイの森 [上] 2004, p.102] «...в группе мне стало еще более одиноко....Никто со мной не разговаривал, да и я ни к кому не обращался» [Мураками, Норежский лес, 2004, с.69].

4. Харуки Мураками психологик ҳолатига боғлиқ равишда “ёлғизлик” қаҳрамонларини тушунишнинг бир қанча белгиларини яратади. Ҳикоя бошида Ватанабэ ўзининг “ёлғизлик” ҳолатидан завқланади. Наоканинг ўлими ушбу қаҳрамоннинг бахт тўғрисидаги тасаввурларини ўзгартириб юбориши унинг инкирозга йўл тутиши саналади. Шунинг учун ҳам

¹³ Алефиренко Н.Ф, Проблема вербализации концепта: Теоретическое исследование. - Волгоград: Перемена, 2003. - С 68; Ling Yeh. 「ノルウェイの森」のワタナベの愛の行方—三者関係の構図から見て. 2009-161. Ling Yeh. Norūweinomori' no Watanabe no ai no yukue - san-shakankei no kōzūkara mite. 2009-161 p.

“ёлғизлик” услуги фаркланади: «僕は一人で砂浜に残されていた」 [村上春樹, ノルウェイの森[下]2004, p.253] «...и я оказался на песчаном побережье в одиночестве» [Мураками, Норежский лес, 2004, с.340]. Қолаверса, қахрамоннинг эмоционал ҳолати ва концептнинг психологик такомиллашуви контекстан англашилади: «僕はたった一人でその夜の波音を聴き、風の音に耳を澄ませながら。。。一人でコップ酒を飲んでいた」 [村上春樹, ノルウェイの森[下]2004, p.255] «Я один-одиошенок слышал шум прибоя...в одиночестве пил сакэ» [Мураками, Норежский лес, 2004, с.341-342].

5. "Ёлғизлик"нинг энг юқори салбий нуқтаси ўз жонига қасд қилиш ҳисобланади. Роман қахрамонларининг бутун системаси Харуки Мураками ғояси бўйича “ёлғизлик”ка маҳкум эканлигини кўрсатишига мос келади. Рухий касалхонада ўз жонига қасд қилган Наоканинг тақдирини муаллиф яна бир ўз жонига қасд қилган Ватанабэнинг дўсти Кидзуки билан қайтадан шакллантиради. Микдори эса, ташқи кўринишидан хаёлий воқеликда эмас, балки реал оламда яшайдиган ягона персонаждек туюлади. Аммо, ушбу қахрамон ҳам камроқ миқёсда бўлса-да “ёлғиз”. Шундай қилиб, макон “бўшлиқ ва ёлғизлик” концептларини бир бутун сифатида бирлаштирган маълум уйғунликка эга. Одатий қахрамон бу ҳолатда ўзини ноқулай сезади: «あたりにはあいかわず人気はなく物音ひとつしなかった。なんだか手入れの行き届いた廃墟の中に一人で暮らしているみたいだった」 [村上春樹, ノルウェイの森[上]p. 215] «Окрестности по-прежнему оставались безлюдны и бесшумны. Казалось, что я один живу среди ухоженных развалин» [Мураками, Норежский лес, 2004, с.138].

Харуки Мураками концептнинг таркибий қисмларини эътиборга олган ҳолда “ёлғизлик” бадий концепти атрофида, унга мос келадиган кўплаб тушунчаларни, биринчи навбатда, "бўшлиқ" концептини шакллантиради. Шунингдек, “Норвег ўрмони” асарига юзага чиққан когнитив таркиблар Харуки Муракамининг кейинги асарларида такомиллашиб боришини қайд этиш лозим. Қудуқ тушунчаси миллий-маданият ва фольклор учун муҳимлиги боис, “қудуқ” концепти “этноконцепт” ёки “лингвоконцепт” саналади.

Д. Коваленин таъкидлашича, Харуки Муракамининг кўрсатилган концептга “бадий қизиқиши” маҳсули сифатида асардаги боблардан бирининг “Қудуқлар ва тунеллар” деб номланишини кўрсатиш мумкин. Асосийси, “қудуқ” ботиний онг метафораси ҳисобланади. Ёзувчи, иккинчи даврга оид ва фантастик теранликка бўлган қизиқиш борасида мулоҳаза юритаркан, қуйидагиларни таъкидлайди: “ёпиқ қудуқ тушунчасида “эго” тубдан ўзгаради “Мурувватли қуш солномаси” романида ташқи олам тобора хиралашади ва қахрамон атрофидаги бу реаллик умуман йўқолади, унинг ўрнини эса “янги нореаллик” эгаллайди, олам фақат унинг хоҳиши ва

тасаввурлари атрофида қурилади”¹⁴. “Кудук” концепти “Норвег ўрмони” асарида эсга олинади. Мазкур ҳикоя Наоко “онгидаги тунд” метафора сифатида акс этган: 「とにかくおそろしく深いということだけだ。見当もつかないくらい深いのだ。そして穴の中には暗黒が一世の中のあらゆる種類の暗黒を煮つめたような濃密な暗黒が一つまっている」 [村上春樹, ノルウェイの森[上] p.13] «...жутко глубокий колодец. И вся дыра эта заполнена мраком – густым, впитавшим в себя все виды мрака этого мира» [Мураками, Норежский лес, 2004, с.13].

“Қирғоқ бўйидаги Кафка” асарида Кафканинг тоғдаги ёлғизлиги “чуқур кудукнинг тубидагидек” тушунчаси билан қиёсланади. Кудук асар бошида маиший манфаатга қаратилган предмет сифатида тасвирланади – у “бегона киши худудида бўлиб”, қахрамон бундан фойда ахтаради. Четдан караганда бу шунчаки қуриб қолган кудук, аммо қахрамон Тору Окада унинг моҳиятини сирларга тўла ҳолатида англайди. 「そこには、<圧倒的な無感覚>とでも呼びたくなるようなものが感じられた」 [村上春樹, ねじまき鳥クロニクル] [第 1 部] 1994, p.144] «Здесь ощущалось нечто такое, что я бы назвал «полной потерей чувствительности» [Мураками, Хроника заводной птицы, 2003, I, с.78]. Қахрамонларга “кудук” бахш этаётган янги ҳиссий бўёқдорлик уларнинг моҳиятан ўзгаришига сабаб бўлди. [Крита, Мэй] – сюжетга кўра, қахрамонлар томонидан ер участкасини сотиб олиш истаги мазмунан ушбу кудук билан боғлиқ. Кейинчалик эса мазкур худуд учун Нобору Ватая билан курашга киришилади. 「そして井戸はほどなく僕の手から奪い去られようとしている」 [村上春樹, ねじまき鳥クロニクル[第 3 部] 1994, p.484] «скоро я лишусь своего колодца» [Мураками, Хроника заводной птицы, 2003, с.700].

Кудук мавзуга нуқта қўйишда композицион вазифани ҳам бажаради. Асар бошида Кумико эрининг ҳаёт мазмунини кудук билан қиёслаш орқали характерлайди. Асар ниҳоясида Тору Окаданинг фикри айнан кудукда равшанлашиб, ёришади: “Бу аёл - Кумико”. Мамия чол мўғул даштларидаги кудук ҳақидаги ҳикоясини бошлайди ва роман саҳифаларидан қахрамоннинг йўқолиши унинг ҳарбий асирлар ташланадиган дахшатли кудук ҳақидаги ёзма ҳикояси билан боғлиқдир.

Ҳақиқий кудук оламлар ўртасидаги чегара ёки вақт кесимида боғловчи худуд вазифасини бажариб келади. Харуки Мураками қахрамоннинг тушқун кайфиятини қуйидагича тасвирлайди: 「たまたま夢というかたちを取っている何かだった」「僕は壁のこちら側にいた一深い井戸の底に」 [村上春樹, ねじまき鳥クロニクル[第 2 部] 1994, p.156-169], “уйқу шаклини олган қандайдир нарса”; қахрамон келиб қолган 208 меҳмонхона номери фантастик маконини яратиш учун 「壁を取り抜けている」; “девор орқали ўтиб” ва

¹⁴ Коваленин Д. Суси-нуар или занимательное муракамиедение. - М: 2004. – С. 19.

қайтиб 「僕は壁のこちら側にいた深い井戸のそこに」 «бошқа томондан» “қудук чукур тубида” [Мураками, Хроника заводной птицы, 2003, с.283-290]. Кўринадики, таржимада “қудук” концептининг мутлақ бир хилда бўлиши жуда муҳим, чунки Харуки Мураками қудукни онгининг чексизлигини англлатувчи “чукур” эпитети билан боғлайди.

“Қудук” концепти ёрдамида Харуки Мураками нафақат фантастик маконларни, балки (ҳозир ва ўтмиш) вақт боғланишини таъминлайди. Юқорида келтирилган концептлар уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этишда “мураккаб бутунлик” ҳосил қилишига мисол бўлади.

Қудук қахрамоннинг “сенсорик зехнини очилиш нуктаси”ни бошдан кечирган жой сифатида гавдаланади. Қудук қахрамоннинг макро ва микро кўринишда ички ва ташқи маънавий оламини кўриш учун кўзгу вазифасини бажаради 「これらの星はおそらく真っ暗な井戸の底にいる僕の目にしか映らないものなのだ」 [村上春樹,ねじまき鳥クロニクル, 1994, II, p. 171]. «Между нами возникло что-то вроде интимной близости: из мрака колодца, в котором я сидел, звезды открывались только мне одному» [Мураками, Хроника заводной птицы, 2003, с. 292].“Қудук” концепти сюжетнинг марказий ҳодисасига айланади, чунки барча қарама - қаршиликлар қудук чукурлигига марказлашган. Қудук Тору Окада ва Мэйнинг “лакмус” қоғозига ўхшаш психологик ҳолатини акс эттиради. Бу ҳолат ёлғизликнинг “қадр-қиммат”ини кучайтириш вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, мазкур роман контекстида “қудук” концепти “ёлғизлик” концептининг таҳлил соҳасига киради. Қудук серкирра “ички туйғу” метафора сифатида шахсий “мен”ни топишга қаратилган 「心」 «кокоро - синсин» концептлари ёзувчи концептосферасида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Харуки Мураками асарларининг барча жабҳаларини қамраб олган. Уларнинг вазифаларини образ яратишда асос бўлмиш (“жароҳатланган қалб”); қахрамонларнинг мулоқот яқинлигини яратиш, (“қалбдан суҳбатлашиш”); қахрамонларнинг психологик ва физиологик ҳолатини ифодаловчи истиоралар мажмуасида кўриш мумкин. Харуки Мураками асарларида мазкур концептлар энг кўп такрорланувчан, доминант, кўп функционал саналади ва “оламга индивидуал кўз билан назар солиш”ни ифодалайди.

「心」 «кокоро» концепти «IQ84» трилогиясининг образли ва таркибий асосини ташкил этади. Е.А. Огневанинг фикрича “бадий концепт мазмунини тасвирлаш имкон қадар кўпроқ контекстни аниқлашга асосланган бўлиб, бу унинг семантик хусусиятларининг максимал миқдорини аниқлаш имконини беради ва унинг вербаллашув усулларини ёритади”¹⁵.

Мазкур бадий концепт трилогиянинг ҳажми, вазиятларнинг катта тўплами унинг семантик турфа хиллигини таснифлаш имконини беради. 「心」 «кокоро» бадий концепти “IQ84” трилогияси образли таркибига, “микро ва макро” сатҳларига муаллифнинг “коди” бўлиш орқали сингийди, шунинг

¹⁵ Огнева Е.А. Когнитивное моделирование концептосферы художественного текста. – М: Эдитус. - 2013.

учун ҳам унинг “имплицит ва эксплицит ифода воситалари” ни эътиборга олиш муҳим саналади.

Харуки Мураками “IQ84” романида 「心身」 «синсин» (шартли равишда “юррак”, “қалб”, ва “тана”) ва 「心」 «кокоро» концептлари таркибини ташкил этувчи муҳим бўлган микровазиятларни яратади. Шубҳасиз, бу концептларнинг семантик жиҳатдан тўлдирилиши турлича ва контекстда концептнинг у ёки бу белгиси устунлик қилиши табиий ҳол.

Харуки Мураками асарларидаги бадий концептлар асосий маънони очиб беришда ўзаро боғлиқдир. “Ёлғизлик-бўшлиқ” концептлари қаҳрамонларнинг қалбан заифлиги билан чамбарчас боғлиқ. Мисол учун, Танго отасига (“Мен ҳеч кимман”) жумласи орқали ўзининг ёлғиз ва ҳафсаласизлигини тан олади. 「僕は誰かを嫌ったり、憎んだり、恨んだりして生きていくことに疲れたんです。。。僕には一人の友達もいない。ただの一人です。そしてなによりも、自分自身を愛することすらできない」 [村上春樹, IQ84, 2009, II, p.229] «Я устал жить с ненавистью и презрением в сердце... У меня нет друзей. Ни единого. А главное - я не способен полюбить себя» [Мураками, 2011, IQ84, II, с.156]. Харуки Мураками ушбу аччиқ ҳақиқатни Аомамэ ва Тэнго руҳан яқинлигини характерлаб, Тэнго билан учрашув эвазига қиз уни қатл қилишга ундаган Раҳбар сўзлари билан тасдиқлайди: 「天語くんは今に至るまで君以外の女性を誰一人、小心から愛したことはない」 [村上春樹, IQ84, 2009, II, p.31] «До сих пор никого, кроме тебя, Тэнго не любил от всего сердца» [Мураками, 2011, IQ84, II, с.245].

“Ёлғизлик-бўшлиқ” концептуал майдони кўп қиррали ва кенг характерга эга, бу эса Харуки Мураками романларининг таркибий қисмлари ва “ёлғизлик”ка маҳкум бўлган қаҳрамонлар ҳақида сюжет тузиш вазифалари орқали “ёлғизлик” поэтикасини шакллантиришга асос бўлган. Функционал жиҳатдан “ёлғизлик” концепти нафақат қаҳрамоннинг жисмоний, эмоционал ҳолати, балки романларнинг бутун бадий воқелигига таъсир қилиш имкониятига эга. Шу сабабдан, Харуки Мураками “ёлғизлик”нинг узул ва хусусий хусусиятларини очиб беришда шахсий бетарафлигини давом эттиради, чунки “ҳар қандай концепт бадий ижод давомида пайдо бўладиган ихчамлаштирилган мазмун тавсифи сифатида қабул қилинади”¹⁶.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай концепт бадий образга айланади, чунки муаллиф уни кўпқиррали қилиб яратади. Харуки Мураками ўзининг ушбу романида “ёлғизлик” концептининг ассоциатив қаторини яратади, бу айниқса хикоя қилинадиган контекст ёки унинг алоҳида бобларида кўзга ташланади. Мазкур концептни Цукуру монологларида қўлланилган ҳолатларда тавсифлаш мумкин, аммо уларни ҳиссий бўёқдор деб бўлмайди.

¹⁶Тарасова И.А. Поэтический идиостиль в когнитивном аспекте. - М:Флинта, 2012.- С 33.

Ёлғизлик туйғусини Цукуру Эри исмли қаҳрамонга образли таққослаш орқали тасвирлайди: 「どう言えばいいんだろうまるで航行している船のデッキから夜の海に、突然一人で放り出されたような気分だった」 [村上春樹, 色彩を持たない多崎つくると, 2013, p.289]. «Наверно, так чувствует себя человек, которого среди ночи смыло волной с палубы морского судна» [Мураками, Бесцветный Цкуру Тадзаки, 2015, с.248]. Ушбу образда кўплаб хусусиятлар: маҳкумлик, ўлим ва ёлғизлик ассоциатив боғланган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Таржима фаолиятида концепт ифодаси масалалари**” да бадий концептнинг таржима жараёнида тиллараро кўчишининг когнитив-дискурсив тадқиқи амалга оширилган.

И.Р. Гальпериннинг “Текст как объект лингвистического исследования” монографиясида мазмунга оид концептуал маълумотга эътибор қаратилган бўлиб, унинг асосий сегментини концепт деб ҳисоблаш мумкин: “... бу муаллиф ғояси ва унга қўшимча тарзда мазмуний таҳлил” дир. Мазкур турдаги маълумотларда эстетик-когнитив режа энтропияси олиб ташланади¹⁷. Шундай қилиб, “кокоро”, “синсин”, “кудук” концептлари Харуки Мураками асарлари концептосферасининг асосий элементлари ва ўз навбатида “таржиманинг потенциал бирликлари” сифатида аниқланди ҳамда таҳлил этилди. Н.В. Александровичнинг таъкидлашича, “бадий матнни концептуал таҳлил қилиш таржимонга матннинг когнитив ва эмотив “қатламлари” га кириш имконини беради ва натижада таржима қилишнинг энг муқобил воситалари танланади”¹⁸

Ташқи ўхшашликлари кўришиб турган яқинлигига қарамасдан “юррак” ва “қалб” концептлари рус тилида бошқача семантик турфа хиллигига эга. “юррак” концепти инсоннинг моддий борлиғида: физиологик орган сифатида, ҳис-туйғуларнинг рамзий тасвири сифатида муҳим ўрин тутади. “Қалб” концепти инсон руҳияти, ижоди, фантазиялари, муҳаббат эҳтирослари билан боғлиқ. Табиийки, иккала концепт ҳам метафорик (қайноқ қалб), метонимик ибораларда (қалб амри билан), мақол ва маталларда ўзига хос равишда қўлланилади: “Бировнинг қалби бегонага номаълум”. Тасаввуримизда “қалб” концепти моддий тимсолга эга эмас, балки у иррационал орган сифатида намоён бўлади. Баъзан, инсоннинг гиперболик ҳолатини акс эттирганда салбий модаллик билан “қалбим озор чекапти” дейилади, ёки ижобий муносабатни ифодалаш учун “қалбим яйрапти” ибораси қўлланилади. Д. Коваленин таржималарида мазкур иккала тушунча орасидаги фарқ аниқ ёритилган. “IQ84” трилогиясининг айрим ҳолатларида “кокоро ва синсин” концептларининг мантиғи, аҳамияти, эмотивлигини аниқлашда таржимон танловини таҳлил қилиш қизиқиш уйғотади.

¹⁷Гальперин, 1981, с.36, с.28. Текст как объект лингвистического исследования. - М.: Наука, 1981. - 139 с.

¹⁸ Александрович Н.В. Концептосфера художественного произведения и средства ее объективации в переводе (на материале романа С.Фицджеральда "Великий Гэтсби" и его переводов на русский язык). - М.: Флинта, 2010. - С 19.

Харуки Мураками асарларида “ёлғизлик” концепти “ёлғизлик мотиви” тарзида воқеланган бўлиб, у “жароҳатланган қалб”га эга қахрамоннинг психологик ҳолатини ўз ичига олади. Асардаги концептлар системаси “Норвег ўрмони” романининг ўзига хос концептосферасини яратади. Т.М. Гуревичнинг диссертацион тадқиқотида “қалб” каби номоддий борлиқнинг миллий хусусиятларига тўхталиб ўтилган: “Япон миллий анъаналарида қалб ва тана” билан боғлиқ тушунчалар қарама-қарши қўйилмайди, аммо “синсин” 「心身」 бирлиги, “юррак-қалб-тана” уйғунлиги ифодаси ўлароқ мавжуд] ¹⁹.

